



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

Жисмоний ва юридик шахсларнинг
процессуал бўлмаган муурожаатларини
кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби
тўғрисида

Тошкент - 2016



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI RAYOSATINING
QARORI

РС-17-16-сонли

2016 йил 11 июнь

Тошкент шаҳри

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал бўлмаган
мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги
Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

Умумий юрисдикция судларида жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал бўлмаган мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома лойиҳасини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал бўлмаган мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2016 йил 1 июлдан амалга киритилсин.

2. Йўриқномага риоя этилишини доимий назорат қилиш Олий суд Умумий бўлим бошлиғи (М.Ахмеджанов) зиммасига юклатилсин.

3. Йўриқномани амалга жорий этиш борасидаги ташкилий ишларни йўлга қўйиш Олий суд Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошлиғи (Ю.Ильхамов) зиммасига юклатилсин.

4. Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида уларни судда кўриб чиқиш билан боғлиқ маълумотлар суд биносининг мурожаатлар қабул қилинадиган жойида, ҳамма учун кўринарли тарзда бериб борилсин ва улар заруратдан келиб чиқиб янгилаб турилсин.

5. Мурожаатлар судларда масъул ходим томонидан доимий равишда мониторинг қилиниб, натижаси бўйича ҳар ойда суд раҳбариятига ахборот бериб борилсин. Зарурият бўлган тақдирда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш юзасидан тегишли таклифлар киритилсин.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида вилоят

ва унга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси талабида, бир йилда камида бир марта судга келиб тушган муурожаатларнинг ўрганилиши ва ҳал этилиши юзасидан умумлашма таҳлил қилиб бориш тартиби жорий этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2014 йил 21 майдаги РС-31-14-сонли қарори билан тасдиқланган ҳисобот шакллариининг фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг кўрилиши бўйича 3-шаклидаги “1 ойдан ортиқ” номли 26-устундан кейин “муддат бузилган” номли 27-устун билан тўлдирилсин, “ҳисобот даврининг охирига қолдиқ” номли 27-устун тегишли тартибда 28-устун деб ҳисоблансин, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг кўрилиши бўйича 4-шаклидаги “1 ойдан ортиқ” номли 27-устундан кейин “муддат бузилган” номли 28-устун билан тўлдирилсин, “ҳисобот даврининг охирига қолдиқ” номли 28-устун тегишли тартибда 29-устун деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал бўлмаган муурожаатларини кўрилиши бўйича ҳисобот шакли 2-илова*га мувофиқ тасдиқлансин ва 2016 йил 1 июлдан амалга киритилсин. Олий суд бошқарма ва бўлимлари томонидан ушбу ҳисобот шакли тўлдирилиб, ҳар чорак якуни бўйича Суд статистикаси бўлимига тақдим этилсин.

Олий суд раиси

Ш. Газиев

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2016 йил 11 июндаги РС-17-16-сонли қарори билан тасдиқланган

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал бўлмаган
мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тўғрисида**

Й Ў Р И Қ Н О М А

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари билан тасдиқланган умумий юрисдикция судларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномалар асосида ишлаб чиқилди.

1.2. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг ушбу Йўриқномада назарда тутилган қоидалари ва тартибига риоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг барча судьялари ва суд аппарати ходимлари учун мажбурийдир.

1.3. Процессуал бўлмаган давлат сирларига тааллуқли маълумотлар, шунингдек, судьяларнинг малака ҳайъатлари ваколатига тааллуқли масалалар акс этган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга мазкур Йўриқнома қоидалари тадбиқ этилмайди.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказида мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш масалалари марказнинг мазкур масалага оид Йўриқномаси асосида ва ушбу Йўриқноманинг тартиб-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкиллаштирилади.

2. МУРОЖААТЛАР ТУШУНЧАСИ. ПРОЦЕССУАЛ БЎЛМАГАН МУРОЖААТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

2.1. Судларга келиб тушадиган мурожаатлар хусусиятига кўра икки хил кўринишдаги, яъни процессуал ва процессуал бўлмаган мурожаатларга бўлинади ва уларни кўриб чиқиш тартиби бир-биридан фарқланади.

2.2. **Процессуал мурожаатлар** деганда процесс иштирокчилари ёки ишда иштирок этишга жаб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларнинг муайян ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳамда процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган мурожаатлари тушунилади.

2.3. Процессуал мурожаатлар куйидаги туркумларга ажратилган ҳолда тизимлаштирилади:

1. Суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризалар;
2. Даъво ишларини юритишга оид даъво аризалари, ариза ва шикоятлар;
3. Қарши даъво аризалари;
4. Ишни кўриш билан боғлиқ ва процессуал қонун ҳужжатларида кўзда тутилган илтимосномалар, кўрсатувлар, тушунтиришлар, саволномалар, эътирозномалар ва фикрномалар;
5. Суд қарорлари устидан шикоятлар;
6. Суд қарорлари ижроси юзасидан ариза ва шикоятлар.

2.4. Бундай мурожаатлар асосан процессуал қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, тегишлича Олий суд Пленуми ва Раёсатининг қарорларида белгиланган қоидалар асосида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

2.5. **Процессуал бўлмаган мурожаатлар** деганда судда муайян ишларни мазмунан кўриш билан боғлиқ бўлмаган, процессуал қонун ҳужжатларида бевосита кўзда тутилмаган, процессуал ҳаракатлар қилиш ёки процессуал суд ҳужжати чиқариш учун асос бўлмайдиган ва далил сифатида тан олинмайдиган мурожаатлар тушунилади.

2.6. Процессуал бўлмаган мурожаатлар куйидаги туркумларга ажратилган ҳолда тизимлаштирилади:

1. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар;
2. Суд фаолиятини ташкил қилиш ёки унинг моддий таъминоти юзасидан таклифлар;
3. Қонун ҳужжатларига тушунтириш бериш ҳақидаги сўровлар;
4. Судга мурожаат қилиш ёки суд қарорлари устидан шикоят бериш, шу жумладан давлат божи тўлаш тартиби, суднинг манзили ва банк реквизитлари бўйича маълумотлар бериш, суд қарорларидан нусха бериш ҳақидаги сўровлар;

5. Судьялар ва суд аппарати ходимларининг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятлар;

6. Бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга ёрдам бериш сўралиб, судда кўрилган ёки кўрилаётган муайян ишга боғлиқ бўлмаган илтимосномалар;

7. Суд қарорлари устидан берилиб, мазмуни ва шакли процессуал қонун ҳужжатларида белгиланганидек эмас, оддий хат кўринишида бўлган мурожаатлар;

8. Кадрлар масаласига оид мурожаатлар;

9. Бухгалтерия, суд статистикаси, суднинг молиявий ва моддий таъминоти, суд билан шартномавий муносабатлар масалаларига доир мурожаатлар;

10. Шунга ўхшаш бошқа мурожаатлар.

2.7. Процессуал бўлмаган мурожаатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонун ҳужжатлари, тегишлича Олий суд Пленуми ва Раёсатининг қарорлари ҳамда мазкур Йўриқномада белгиланган қоидалар асосида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

2.8. Процессуал бўлмаган мурожаатларнинг шакллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- оғзаки шаклда;
- ёзма шаклда;
- электрон шаклда.

2.9. Суд раҳбариятининг шахсий қабулида билдирилган мурожаат **оғзаки мурожаат** дейилади.

Қоғоз кўринишида бўлиб, арз қилувчи жисмоний шахснинг ёхуд юридик шахс раҳбари ёки бошқа ваколатли ходимининг имзоси билан тасдиқланган мурожаат **ёзма мурожаат** ҳисобланади.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган мурожаат **электрон мурожаат** дейилади.

2.10. Мурожаатларнинг турлари қуйидагича:

- аризалар;
- таклифлар;
- шикоятлар.

2.11. **Ариза** деганда ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат тушунилади.

Таклиф давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат ҳисобланади.

Шикоят - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаатдир.

2.12. Судларга бундай мурожаатлардан ташқари жисмоний шахслар ёки юридик шахслар томонидан суд фаолиятига оид турли маълумотлар,

ахборотлар ёки тушунтиришлар бериш ҳақида **сўровлар** ҳам билдирилиши мумкин.

2.13. Мурожаатлар ва сўровлар (кейинчалик матнда - мурожаатлар) тури ёки шаклидан қатъи назар, улар бир хил аҳамиятга эга бўлади.

2.14. Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин. Жамоа бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, унга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра бошқа шахсга юборилади.

2.15. Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаат **аноним мурожаат** ҳисобланади.

2.16. Шахслар томонидан мурожаатнинг нусхаси берилганда у мурожаатнинг **дубликати** дейилади ва у одатда бир шахс томонидан айнан бир масала бўйича бир нечта манзилга юборилган ёки мурожаат дастлаб юборилган манзилга уни кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугамасдан, қайта юборилган бўлади.

2.17. Дастлабки мурожаат бўйича олинган жавобдан норозилик билдирилган ёки дастлабки мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаётганлиги устидан шикоят қилинаётган мурожаат **такрорий мурожаат** дейилади.

2.18. Мурожаат этувчи шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

2.19. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат қилувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси ва исми ҳам кўшимча равишда ёзиб қўйилиши лозим.

3. МУРОЖААТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА РАСМИЙЛАШТИШ ТАРТИБИ

3.1. Умумий юрисдикция судларида иш юритишнинг ягона тизимини ташкил этиш, иш юритишга услубий раҳбарлик ҳамда бу борадаги талаблар бажарилиши устидан умумий назорат Олий суднинг Умумий бўлими томонидан амалга оширилади.

3.2. Иш юритишни бевосита олиб бориш, яъни суд ишларини, ҳужжатларни, шу жумладан, мурожаатларни қабул қилиб олиш, қайта ишлаш, рўйхатдан ўтказиш ва жўнатиш Олий судда Умумий бўлим, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда, туманлараро, туман (шаҳар) судларида суднинг девонхона мудирини, унинг йўқлигида эса шу вазифа юклатилган бошқа суд ходими томонидан олиб борилади.

3.3. Судда муурожаатларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда қабул қилиш, расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун суд раислари масъул ҳисобланишади.

3.4. Муурожаат қилувчиларни қабул қилиш жадвали, муурожаатларни ёки муурожаат қилувчиларни қабул қилиш тартиби суднинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши шарт. Бундай маълумотлар муурожаат қилувчиларнинг эътиборига бошқача усулларда (бинодаги янгилик ва эълонлар тахтачаси, электрон табло, буклетлар, оммавий ахборот воситаларидаги эълонлар ва ҳ.к. орқали) ҳам етказилиши мумкин.

3.5. Муурожаатлар суднинг қабулхонаси ёки девонхонаси орқали шахсан берилиши ёки почта ва бошқа алоқа воситалари орқали келиб тушиши мумкин.

3.6. Муурожаат қилувчи муурожаатни давлат тилида ёки бошқа тилларда ҳам беришга ҳақли.

3.7. Электрон муурожаатлар суднинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали берилади. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ҳукумат портали) орқали келиб тушган муурожаатлар ҳам электрон муурожаатлар тарзида қайд этилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилади. Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

3.8. Муурожаатларни расмийлаштириш қоғоз шаклда ёки электрон дастур асосида, локал тармоқ ёрдамида компьютер техникаси воситалари орқали амалга оширилиши мумкин.

3.9. Ёзма муурожаатни топширувчи шахснинг илтимосига кўра кўшимча нусхасига ушбу муурожаатни қабул қилган шахснинг фамилияси ва сана кўрсатилиб, имзо қўйилади ва мазкур нусха муурожаатни топширувчи шахсга қайтарилади.

3.10. Муурожаат у келиб тушган куни рўйхатга олиниши шарт.

3.11. Муурожаатларни рўйхатга олиш журналида муурожаатнинг тартиб рақами ва санаси, муурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси ва исми, унинг яшаш жойи, юридик шахснинг номи, унинг манзили, муурожаатнинг қисқача мазмуни, муурожаат қабул қилинган сана ва рўйхатга олиш рақами, унинг дубликат ёки такрорийлиги, назоратга олинганлиги, ижро муддати, ижрочи сифатида белгиланган таркибий бўлинманинг номи ёки масъул ходимнинг фамилияси ва исми кўрсатилади.

3.12. Муурожаатларни рўйхатга олишнинг тартиб рақамлари йил бошидан янгидан ҳисобланади.

3.13. Муурожаатнинг ижроси махсус эътибор талаб қилса (таклиф, хулоса тайёрлаш, муайян тадбирлар ўтказиш ва ҳ.к.), бундай муурожаат раҳбарият томонидан назоратга олиниши мумкин. Муурожаат назоратга олинган тақдирда, шу ҳақда белги қўйилиши лозим.

3.14. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда, конвертда мурожаат ва унинг иловалари борлиги текширилади.

3.15. Конвертда мурожаатнинг мавжуд эмаслиги ёки унинг яроқсизланганлиги, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловаларнинг йўқлиги аниқланганда, икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма ёки масъул ходимда қолдирилади, иккинчиси мурожаат қилувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича жўнатилади.

3.16. Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат қилувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

4. МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

4.1. Масъул ходим мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини доимий равишда кузатиб боради, белгиланган муддат ўтганларини суд раисига маълум қилади. Мурожаатларнинг ижросини назорат қилиб бориш тегишли бўлинма раҳбарининг ҳам вазифаси ҳисобланади.

4.2. Судга келиб тушган ҳар қандай мурожаат қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт. Истисно тариқасида қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

- аноним мурожаатлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

4.3. Бошқа суд ёки идора томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар у келиб тушган кундан бошлаб **беш кунлик муддатдан** кечиктирмай суд раиси имзоланган хат ёки топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

4.4. Мурожаатни хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган судга юбориш тақиқланади.

4.5. Мурожаатда уни тегишли судга ёки органларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаат мурожаат этувчига **беш кунлик** муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

4.6. Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, арз қилувчидан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа суд ёки давлат органларидан қўшимча ахборот сўраб олиниши

мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, ўша суд ёки давлат органлари ўзларидан сўралаётган ахборотни **ўн кун** ичида тақдим этишлари шарт.

4.7. Мурожаат қилувчи ўз мурожаатини у кўриб чиқиладиган вақтда қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва **уч кун** мобайнида мурожаат хат билан арз қилувчига қайтарилади.

4.8. Мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза унда қайд этилган қонунбузилишларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини истисно этмайди.

4.9. Ариза ёки шикоят тарзидаги мурожаат судга келиб тушган кундан эътиборан **ўн беш кун** ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса **бир ойгача** бўлган муддатда кўриб чиқилади. Суднинг раҳбари ушбу муддатларни қисқартириши мумкин.

4.10. Бундай мурожаатларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари суд раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан **бир ойга** узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат қилувчига хабар қилинади.

4.11. Таклиф тарзидаги мурожаат судга келиб тушган кундан эътиборан **бир ойгача** бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда мурожаат қилувчига **ўн кунлик** муддатда ёзма равишда хабар қилинади.

4.12. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар судга келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

4.13. Мурожаат ижросини белгиланган муддатда бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда ижрочи томонидан ижро муддатини белгилаган мансабдор шахсга муддат тугашидан камида **беш кун** олдин ижронинг кечикиш сабаблари, ҳужжат ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан кўриладиётган зарур чора-тадбирлар ҳақида ахборот тақдим этилади.

4.14. Ижро муддати узайтирилган тақдирда ижрочи ўша куннинг ўзида масъул ходимга бу ҳақида хабар беради ва ушбу маълумот масъул ходим томонидан тегишли китобга ёки дастурга қайд этилиб, суд раисига бу ҳақда маълумот беради.

4.15. Мурожаатда кўрсатилган саволларга жавоб юборилган, агар муайян ҳаракатлар амалга оширилиши лозим бўлса, амалга оширилган пайтдан бошлаб мурожаатнинг ижроси тўлиқ таъминланган ҳисобланади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

4.16. Мурожаатларга берилган жавоблар уларнинг қайси масалага оидлигига қараб алоҳида муқоваланган йиғмажилдларга тикилади. Ҳар бир йиғмажилд тегишли тарзда номланиши ва тартиб рақамга эга бўлиши лозим.

4.17. Мурожаат кўриб чиқиладиганда мурожаат қилувчи уни кўриб чиқилишининг бориши ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш, ўрганишга оид материаллар ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимослар киритиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.18. Мурожаат кўриб чиқиладиганда судлар мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан, агар унда давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

4.19. Зарур ҳолларда мурожаат сайёр тарзда жойнинг ўзига бориб ўрганилиши ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа давлат органларидан тегишли мутахассис жалб этилиши мумкин.

4.20. Мурожаатда бир нечта таркибий бўлинма ёки ходимларга тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси ёки бир нечаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма ёки ходим бошқа таркибий бўлинма ёки ходимлар билан биргаликда мурожаатнинг қонуний кўриб чиқилишини таъминлайди.

4.21. Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади. Агар дубликат мурожаатга жавоб юборилгандан кейин келиб тушса, у ҳолда мурожаат қилувчи бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

4.22. Қуйи суд юқори турувчи суднинг назоратидаги мурожаатнинг натижаси бўйича ушбу мурожаатга берилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда хабар бериши керак.

4.23. Мурожаат кўриб чиқилгач, мурожаат қилувчи уни кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида ёзма қоғоз ёхуд электрон шаклдаги хат билан дарҳол хабардор қилиниши шарт.

5. МУРОЖААТЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЖАВОБ ХАТЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

5.1. Мурожаатга бериладиган жавоб хати Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тегишли бланкада ёзилиши керак.

5.2. Мурожаатга бериладиган жавоб хати мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилиниши лозим.

5.3. Ўзбошимчалик билан расмийлаштирилган ёки шу каби бошқа хизмат бланкаларидан фойдаланиш ман этилади.

5.4. Мурожаатга жавоблар тўлиқ, писандасиз, тушунарли ва асослангандир тарзда баён қилиниши, зарур ҳолларда далиллар билан исботланган бўлиши керак.

5.5. Мурожаатга бериладиган жавоб хати икки ёки ундан ортиқ саҳифада бўлса, унинг иккинчи ва кейинги бетларини тепа қисми араб рақамида рақамланади. Агар жавобга ҳужжат илова қилинаётган бўлса, иловалар борлиги тўғрисидаги белги "10 варақда, 2 нусхада." шаклида расмийлаштирилади.

5.6. Мурожаат қаноатлангандирмасдан қолдирилган тақдирда ушбу мурожаатга илова қилинган ҳужжатлар ҳам мурожаат қилувчига қайтарилади.

5.7. Мурожаатга жавоб хатининг шакли қуйидаги талабларга мос келиши, яъни:

- А-4 ва А-5 бичимидаги бланкаларда, қора рангда, "Times New Roman 14" шрифтида, MS Word .doc, .docx форматда (Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига юбориладиган хат ва ёзишмалар "Times New Roman 15" шрифтида) ёзилиши;

- чапдан 30 мм., ўнгдан 20 мм., тепа ва пастдан 20 мм. саҳн қолдирилиши;

- хатбоши (абзац) 6 ҳарфдан иборат ўрин қолдирилган ҳолда бошланиши;

- матн А4 ҳажмдаги бланкаларда, 1,5 қаторлараро интервалда (матбуот наشري учун мўлжалланаётган маърузалар матни 2 қаторлараро интервалда) босилиши керак.

5.8. Мурожаатга жавоб Олий судда суд раҳбарияти ёхуд таркибий бўлинма бошлиғи, қуйи судларда суднинг раиси ёки ўринбосари томонидан имзоланиши шарт. Имзоланган хатларга тузатиш ёки ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас.

5.9. Жавоб хатлари имзоланган пайдан, агар у муҳр билан тасдиқланиши лозим бўлса, тасдиқланган пайдан бошлаб юридик кучга киради. Хатда уни имзолаётган шахсининг лавозими, исми, отасининг исми бош ҳарфлари ва фамилияси кўрсатилади, лавозими номи олдида қия чизик билан имзолашга йўл қўйилмайди.

5.10. Жавоб хатидан нусха суд раисининг рухсати билан берилиши мумкин.

5.11. Жавоб хатини тузувчи ходим ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги, аниқлиги учун масъулдир.

5.12. Мурожаатга телеграмма ёки телефонограмма шаклида ҳам жавоб берилиши мумкин.

5.13. Телеграмма қисқа аниқ, ўттиз сўздан кўп бўлмаган, варақнинг бир томонида ёзилиши, унда суднинг почта манзили ва индекси кўрсатилиши лозим. Телеграммага фақат суднинг раиси имзо чекади. Матн охиридаги имзодан олдин унинг рўйхатга олиш рақами қўйилади.

5.14. Телефонограмма суд раисининг топшириғи ёки кўрсатмасига асосан бир нусхада, элликта сўздан ошмаган матнда тузилиб, телефон тармоғи орқали узатилади. Матнга уни узатган ва қабул қилиб олган шахсларнинг фамилиялари, узатилган кун, соат ҳамда телефон рақами ҳақидаги белги қўйилади.

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

6.2. Мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини бузиш ёки умуман жавоб бермаслик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, билдирилган фикри ва танқиди учун мурожаат қилувчилар, уларнинг вакиллари ёки оила аъзоларини таъқиб қилиш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Жисмоний ёки юридик шахс бундай ҳолатда қонунбузилишига йўл қўйган судья ёки суд ходими устидан юқори турувчи судга ёки малака комиссиясига шикоят қилишга ёхуд қонунда белгиланган тартибда ҳаракати ёки ҳаракатсизликни қонунга хилоф деб топиш тўғрисида судга даъво аризаси беришга ҳақли.

Ўз навбатида арз қилувчиларнинг тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат бериши ҳам белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

6.3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 43-моддалари, Ўзбекистон

Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 73-сон Қарори билан тасдиқланган “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган.

6.4. Давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлган мурожаатларни, махфий ҳужжатларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш қонунда махсус назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

6.5. Меҳнат муносабатларига оид мурожаатларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш амалдаги меҳнат қонунчилигига ва Олий суд Раёсатининг 2014 йил 9 январдаги қарори билан тасдиқланган “Умумий юрисдикция судлари учун ички меҳнат тартиби қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади.

6.6. Процессуал бўлмаган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижросини таъминлаш ва шу каби мазкур Йўриқномада кўзда тутилмаган бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва судлар фаолиятига оид бошқа локал ҳужжатлар билан тартибга солинади.